



ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ ОВОЗИ БУТУН ДУНЁ БЎЙЛАБ ЯНАДА БАЛАНД, ЯНАДА КУЧЛИРОҚ ЯНГРАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Остона шахрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.



Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган тадбирда Озарбайжон Республикаси Президенти Илхом Алиев, Қирғиз

Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, Туркман халқининг

миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов, шунингдек, ТДТ бош қотиби Кубаничбек Омуралиев ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, ТДТ доирасидаги кўп қиррали муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, амалий ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган замонда тили, дини ва маънавий қадриятлари бир-бирига чамбарчас боғланган туркий халқларнинг овози дунё бўйлаб янада баланд, янада кучлироқ янграётганини таъкидлади. Ташкилот бугунги кунда шаклланаётган янги дунё тартиботи ва халқаро институтлар тизимида ўзига хос муҳим ўринга эга бўлиб бормоқда.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари глобал хавфсизликни таъминлашда янги муаммолар юзга келаятгани, халқаро ҳуқуқ меъёрларидан чекиниш ҳолатлари кўпайиб бораётганини кўрсатиб ўтди.

Фаластин — Исроил можароси кейинги пайтда хавфли тус олгани жиддий хавотирга солаётгани қайд этилди. Қуролли тўқнашувлар оқибатида тинч аҳоли, айниқса, кексалар, аёллар ва болалар орасида қурбонлар ва жароҳат олганлар сони кескин ортиб, низоининг кенг ёйилиб кетиш хавфи кучаймоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон етакчиси томонларни зудлик билан ҳарбий ҳаракатларга

барҳам бериб, ўт очишни тўхта-тишга, гуманитар мақсадларда муро-сага келишга чақирди. Фаластин — Исроил муаммосини БМТ резолюцияларига мувофиқ “икки халқ учун икки давлат” тамойили асосида ҳал этиш зарурлиги бо-расида Ўзбекистоннинг позицияси қатъий экани билдирилди.

Ўзбекистоннинг ТДТ мамлакатлари билан ҳамкорлиги хусусида сўз юритар экан, давлатимиз раҳбари мамлакатимиз Ташкилотнинг барча аъзолари билан стратегик шериклик алоқаларини ўрнатганини катта мам-нуният билан қайд этди. Ўтган йили Самарқанд саммитида имзоланган муҳим ҳужжатлар изчил бажарил-моқда.

Ташкилотга аъзо давлатлар ўр-тасидаги кўп томонлама ва узоқ муддатли алоқаларни янада кенгай-тириш мақсадида Ўзбекистон Прези-денти қатор тақлиф ва ташаббуслар-ни илгари сурди.

Хусусан, Туркий халқлар бирдам-лигини, уларнинг буюк ўтмиши ва бой маданиятини, азалий қадрият-ларини ифода этадиган Туркий дунё хартиясини ишлаб чиқиш тақлиф қи-линди.

Саноат кооперациясини кучай-тириш ва йирик қўшма инвести-ция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида Туркий тараққиёт бан-кини ташкил этиш ишларини фаол-

лаштириш муҳимлиги қайд этилиб, ушбу молия муассасасини Тошкент шахрида жойлаштириш тақлифи билдирилди.

Туркий давлатлар савдо ҳамкорли-ги тадқиқот марказини ташкил этиш бўйича бошланган амалий ишларни тўлиқ маъқуллаб, Ўзбекистон Прези-денти марказ имкониятларидан сав-до тўсиқларини бартараф этиш, экс-порт-импорт ҳажминини кўпайтириш бўйича янги механизмларни кенг жо-рий қилиш, электрон савдо платфор-маларини ривожлантиришда унумли фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратди.

Глобал логистика занжирлари ва транспорт йўлақларини ривожланти-риш, диверсификация қилиш, ягона транзит тармоғини шакллантириш масалалари долзарб экани таъкид-ланди. Шу маънода, давлатимиз раҳбари Ўрта коридор салоҳиятини кенгайтириш, қўшимча кўп тармоқли йўналишларни, жумладан, Хитой, Жанубий Осиё ва Европа бозор-ларига мамлакатларимиз орқали ўтадиган йўлақларни ривожланти-риш ҳамда транспорт хизматларини рақамлаштириш чора-тадбирларини қўллаб-қувватлади.



Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сура-ти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич! Хурматли делегациялар раҳбарлари! Авваламбор, сиз, азизлар билан яна дийдор кўришга турганимдан гоёт мамнунман.

Бугунги саммитни юксак даражада ташкил этгани учун Қозоғистон Республикаси Президенти, хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга чукур миннатдорлик изҳор этаман.

Сўзимни буюк аждодимиз — қадимий турк давлати асосчиларидан бири Билга Хоқоннинг қуйидаги даъвати билан бошламоқчиман: “Эй туркий элим, ўзлгингга қайт, ўзингни англа — янада юксалгайсан!”

Ушбу ибратли сўзлар бугунги шиддатли замонда — Туркий давлатлар ташкилоти ўз фаолиятини тобора тақомиллаштириб бораётган бир даврда албатта, чукур маънога эга. Тили, дини ва юраклари бир-бирига чамбарчас боғланган қардош халқларимиз овози эндиликда дунё бўйлаб янада баланд, янада кучлироқ янграмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, дўст Қозоғистон элини яқинда кенг нишонланган мамлакат миллий байрами — Республика куни муносабати билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Шунингдек, Туркия Президенти, қардошим Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийларини ва бутун турк халқини Республика эълон қилинган куннинг кутлуг 100 йиллик тантаналари билан самимий табриклайман.

Хурматли саммит иштирокчилари! Барчангиз яхши биласиз, туркий дунёда дўст Озарбайжон халқи ўзининг муносиб ўрни ва катта обрў-эътиборига эга. Сўнги йилларда Озарбайжон халқи қадри бироқарим Илхом Ҳайдарович етакчилигида оламшумул ютуқларни қўлга киритмоқда.

Тарихий адолат қарор топиб, мамлакатнинг ажралмас қисми бўлган Қорабоғ худудини бун-ёдкорлик маконига айлантириш борасида ул-кан натижаларга эришилмоқда.

Мен август ойида Шуша ва Фузулий шаҳар-ларида бўлиб, кенг қўламли ўзгаришларга, замонавий инфратузилма барпо этилаётгани, вайрон бўлган маданий мерос объектилари қай-та тикланаётганига шахсан гувоҳ бўлдим.

Озарбайжон халқини гулоба — мамла-кат худудий яхлитлиги тўлиқ тиклангани билан яна бир бор чин юракдан самимий табриклай-ман.

Хурматли анжуман қатнашчилари! Туркий давлатлар ташкилоти бугунги кунда шаклланаётган янги дунё тартиботи ва халқаро

институтлар тизимида ўзига хос муҳим ўрин-га эга бўлиб бормоқда. 160 миллион аҳолини қамраб олган Ташкилотимиз худуди катта икти-содий имкониятлар макони ҳамдир.

Бизнинг мамлакатимиз Ташкилотнинг барча аъзолари билан стратегик шериклик алоқала-ри ўрнатганини катта мамнуният билан айтиб ўтмоқчиман.

Ўтган йили “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровон-лик сари” шiori остида бўлган Самарқанд саммитида имзоланган ҳужжатлар ҳаётга из-чил татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон раислиги даврида юздан ортиқ турли тадбирлар ўтказилди, муҳим ташаббус-лар илгари сурилди. “Туркий нигоҳ — 2040” концептуал дастури асосида амалий ҳам-корликнинг янги ва янада самарали меха-низмлари яратилди. Жумладан, Туркий дав-латлар Касаба уюмлари ташкилоти, Фазо тадқиқотлари академияси, Жўрофий кенгаш, Қурғоқчиликни бартараф этиш институти, Но-тариал идоралар уюшмаси каби янги тузил-малар иш бошлади. Қатор нуфузли глобал ва минтақавий тузилмалар — Бирлашган Миллат-лар Ташкилоти ва унинг турли ихтисослашган институти, Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти би-лан яқин шериклик алоқалари ўрнатилди.

Глобал иқтисодий инқироз кучайиб бораёт-ганига қарамасдан, олиб бораётган тизимли ишларимиз натижасида ўзаро савдо ҳажми ўс-моқда.

Ўзбекистоннинг раислиги даврида бизга фаол кўмак кўрсатган барча давлатларга ва Ташкилот Котибиятига яна бир бор миннат-дор-лик билдираман.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Барчамиз гувоҳ бўляпмиз, бугунги кунда жаҳон миқёсида ишонч инқирози тобора авж олмоқда. Глобал хавфсизликни таъминлашда янги муаммолар юзга келмоқда ва халқаро ҳуқуқ меъёрларидан чекиниш ҳолатлари кучаймоқда.

Айниқса, Яқин Шарқда узоқ вақтдан буён да-вом этаётган Фаластин — Исроил муаммоси-нини ниҳоятда хавфли тус олгани барчамизни жиддий хавотирга солмоқда. Қуролли тўқ-нашуда тинч аҳоли, айниқса, кексалар, аёллар ва болалар орасида қурбонлар ва жароҳат ол-ганлар сони кескин ортиб, низоининг кенг ёйи-либ кетиш хавфи кучаймоқда.

Шу муносабат билан томонларни зудлик билан ҳарбий ҳаракатларга барҳам бериб, ўт очишни тўхта-тишга, гуманитар мақсадларда муро-сага келишга чақирамиз.

Мазкур муаммонинг ягона ва энг адолатли ечими — низоини “икки халқ учун икки дав-лат” тамойили асосида ҳал этишдир.

Фаластин халқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюцияларида белгилангани-дек, мустакил давлат барпо этиш ҳуқуқига эга. Биз Ташкилотимиз доирасида бу борадаги яқ-дил ва қатъий позициямизни бутун дунёга эъ-лон қилишимиз зарур.

Хурматли саммит қатнашчилари! “Туркий давр” шiori остида ўтаётган бу-гунги саммитимизда кўп томонлама ва узоқ муддатли алоқаларимизни янада кенгай-тиришга қаратилган қуйидаги тақлифларни ил-гари сурмоқчиман.

Биринчидан, Ташкилот доирасида ўзаро хурмат, ишонч ва очиклик тамойилларини мус-таҳкамлаш, биргаликда турли тўсиқларни са-марали ениб ўтиш бош мақсадимиздир.

Шу муносабат билан Туркий халқлар бир-дамлигини, уларнинг буюк ўтмиши ва бой маданиятини, азалий қадриятларини ифода этадиган “Туркий дунё хартияси”ни ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман. Ушбу ўзига хос рамзий комусни соҳанинг етуқ опимлари ва экспертлар иштирокида тайёрлашни тақлиф қиламан.

Иккинчидан, шу кунларда Туркий инвести-ция фонди ўз ишчи бошлади. Давлатлари-миз ўртасида саноат кооперациясини кучай-тириш ва йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида кейинги босқичда Туркий тараққиёт банкни ташкил этиш ишларини ҳам фаоллаштиришимиз керак. Ушбу молия муас-сасасини Тошкент шахрида жойлаштиришга тайёрмиз.

Учинчидан, Туркий давлатлар савдо ҳам-корлиги тадқиқот марказини ташкил этиш бўйича бошланган амалий ишларни тўлиқ маъқуллаймиз. Келгусида Марказ имконият-ларидан унумли фойдаланган ҳолда, бирга-ликда савдо тўсиқларини бартараф этиш, экс-порт-импорт ҳажминини кўпайтириш бўйича янги механизмларни кенг жорий қилиш, электрон савдо платформаларини ривожлантиришга қар-ратилган аниқ чора-тадбирларни амалга оши-ришимиз зарур.

Туртинчидан, глобал логистика занжир-лари ва транспорт йўлақларини ривожланти-

риш ва диверсификация қилиш, ягона транзит тармоғини шакллантириш масалалари дол-зарб аҳамиятга эга.

Кўк ташувларига ўсиб бораётган талабни қондириш мақсадида Ўрта коридор салоҳияти-ни кенгайтириш чораларини қўллаб-қувватлай-миз. Шунингдек, қўшимча кўптармоқли йўнали-шларни, жумладан, Хитой, Жанубий Осиё ва Европа бозорларига мамлакатларимиз орқали ўтадиган коридорларни ривожлантириш ҳамда транспорт хизматларини рақамлаштириш та-рафдоримиз.

Давлатларимиз Темир йўл идоралари кенга-шини таъсис этишни ва бу тузилманинг дирек-циясини юртимизда жойлаштиришни тақлиф этамиз.

Бешинчидан, экология соҳасида кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантиришдан мақсаддоримиз.

Қадимдан аждодларимиз она табиат билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшаганлар. Афсуски, бугунги кунда табиатга нисбатан истеъмол-чилик кайфияти кучайиб бормоқда. Иқлим ўзгаришлари тўғрисида келаятган турли муаммолардан бутун инсоният қаттиқ азият чекмоқда. Бундай ҳолат барчамиздан кечки-тириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилмоқда.

Вазирлар даражасида домий фаолият кўр-сатадиган Туркий экология форумининг тузи-лиши бу йўлда муҳим қадам бўлиши шубҳасиз. Бундай таъсирчан механизм Ташкилотимиз фаолияти самарадорлигини оширишга қарати-лган режаларимизга мосдир.

Олтинчидан, туркий цивилизацияни юк-салтириш гоёси технологик тараққиёт ва илғор билимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бевосита боғлиқдир.

Ижодий фикрлайдиган, истеъдодли ва шижоатли ёшларимиз истиқболда туркий дунёнинг янги Ренессансини барпо этишига ишончим комил. Бу йўлда уларга буюк аждод-ларимиз яратган илмий кашфиётлар ва маъ-навий мерос мустақкам замин бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш ўринлики, ўтган асрда яшаган жадид болларимизнинг ибратли фаолияти, илмий-ижодий меросини чукур ўрганиш юзаси-дан аъзо мамлакатларда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шу ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида жорий йилнинг декабрь ойида юртимизда бўлиб ўтадиган “Жадидлар:

миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик гоёлари” мавзусидаги халқаро анжуман да-вакилларингизни фаол иштирок этишга тақлиф этамиз.

Шу билан бирга, янгиликка интилиб яшай-диган, ташаббускор ўғил-қизларни рағбатлан-тириш учун Ўзбекистонда Туркий дунё креатив ёшлари марказини очишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Минг йиллар давомида тарихи ва тақдир туркий элатлар билан чамбарчас боғлиқ бўл-ган кўпмиллатли Афғонистон заминида тинч-лик ва осойишталик ўрнатиш минтақамизда стратегик барқарорлик ва хавфсизликни таъ-минлашнинг асосий шартидир. Бироқ дунё-нинг бошқа нуқталарида низо ва урушлар авж олаётган ҳозирги шароитда ушбу муам-мо халқаро ҳамжамият эътиборидан тобора четда қолмоқда.

Афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўр-сатишни сувайтирмаслик, бу юртдаги ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратил-ган аниқ механизмларни ишлаб чиқишга чақи-рамиз.

Бизга минтақавий шериклик ва барча қўш-нилари билан иқтисодий ҳамкорлик жараёнла-рида фаол иштирок этадиган, тинч ва барқар-ор Афғонистон керак.

Биз илгари сураётган Трансафғон темир йўлини барпо этиш ташаббуси айнан мана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Ўзбекистон афғон халқига бундан буён ҳам зарур ёрдамни бериб боради. Термиздаги логистика хаби орқали гуманитар кўмак кўрса-тишни, таълим марказида эса афғон фуқаро-ларини ўқитишни фаол давом эттираемиз.

Қадри дуслар! Фурсатдан фойдаланиб, Давлат раҳбарла-ри кенгашида раисликни қабул қилиб олаётган Қозоғистон Республикаси Президенти хурмат-ли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга улкан зафарлар тилайман.

Бугун қабул қилинаётган муҳим ҳужжатлар ва қарорлар, жумладан, саммит декларация-си ҳамда Остона ақти мамлакатларимизнинг ёрқин туркий келажак сари навбатдаги дадил қадамлари бўлишига ишонаман.

Ўз тарихи давомида кўп-кўп синовларни бошидан кечирган ва уларга биргаликда ечим топган қардош халқларимиз келгусида ҳам буюк ишларни амалга ошириши шубҳасиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ ОВОЗИ БУТУН ДУНЁ БЎЙЛАБ ЯНАДА БАЛАНД, ЯНАДА КУЧЛИРОҚ ЯНГРАЙДИ

Бошланғичи 1-бета

Ташкилотнинг Темир йўл идоралари кенгаши таъсис этиш ва бу тузилманинг дирекциясини Ўзбекистонда жойлаштириш тақлиф этилди.

Экология соҳасида ҳамкорликни мустақамлаш мақсадида вазирлар даражасида доимий фаолият кўрсатадиган Туркий экология форумини тузиш ташаббуси илгари сурилди.

Ўзбекистон етакчиси ижодий фикрлайдиган, истеъдодли ва шижоатли ёшлар истиқболда туркий дунёнинг янги Ренессансини барпо этишига ишонч билдирди. Янгиликка интилиб яшайдиган, ташаббускор ўғил-қизларни рағбатлантириш учун Ўзбекистонда Туркий дунё креатив ёшлари марказини очил тақлиф қилинди.

Жадид боболаримизнинг илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш муҳимлигини қайд этиб, Ўзбекистон Президенти ТДТ мамлакатлари вакиллари жорий йилнинг декабрь

Мамлакатимиз етакчиси афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни сусайтирмаслик, бу юрдаги ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган аниқ механизмларни ишлаб чиқишга чақирди. Мажлисда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Венгрия, Туркманистон делегациялари раҳбарлари, ташкилот бош қотиби ҳам сўзга чиқди.

Саммит якунида ТДТ доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича қатор битим ва қарорлар қабул қилинди.

Ташкилотга раислик Қозоғистон Республикасига ўтди.

Туркий давлатлар ташкилоти Давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилиши доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга туркий халқлар оиласининг бирлигини мустақамлашга, туркий мамлакатларнинг манфаатлари ва қарашларини халқро майдонда фаол илгари суришга қўшган улкан ҳиссаси учун юксак мукофот — “Туркий

Раиси Гурбангули Бердимухамедов иштирок этди.

Ташкилот давлатлари раҳбарлари номидан мукофотни Қозоғистон Президенти топширди.

— Бу мукофотни мен биринчи навбатда чинакам биродарлик ришталари асосида ангидан юксалаётган яқин дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз рамзи, деб биламан, — деди маросимда давлатимиз раҳбари, ҳамкасбларга миннатдорлик билдирди.

Охири даврда Туркий дунёнинг нуфузи ва салоҳияти ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ юксалаётгани алоҳида қайд этилди. Ўзбекистон 2019 йилда ТДТга аъзо бўлиб кирганидан буён мамлакатимиз томонидан туркий давлатлар ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган 50 дан ортиқ тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Мамлакатимизнинг ташкилотга раислиги даврида 100 дан зиёд турли тадбирлар ўтказилди, амалий ҳамкорликнинг янги самарали механизмлари яратилди, нуфузли глобал ва минтақавий тузилмалар билан яқин шериклик алоқалари йўлга қўйилди.

Ташкилотга аъзо барча давлатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқалар изчил кенгаймоқда, стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилди, савдо ҳажмлари ортомқда, кооперация кучаймоқда.

— Барчамизнинг орзу ва мақсадларимиз, интилиш ва ҳаракатларимиз уйғун ва ҳамоҳангдир. Азалдан дўст ва қардош бўлган туркий халқларимиз бундан кейин ҳам аҳил ва ҳамжихат бўлиб, ёруғ келажакни биргаликда бунёд этадилар, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОР

МОЛИЯВИЙ МАНФААТДОРЛИК ВА ОДИЛ СУДЛОВ ТАЪМИНОТИ

БУ ЖАРАЁНДА ҚОНУНЧИЛИҚДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ?

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш, одил судловни қарор топтириш орқали фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Миллий тараққиётимиз кафолати давлат ва жамиятнинг барча тармоқларини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислохотларни амалга оширишда намоён бўлади. Шу боис, суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан такомиллаштириш борасида қатор тизимли ишлар қилинди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳуқуқбузарликдан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофазат қилиниши, давлат жабрланганларга ғайриқонуний ва одил судловдан фойдаланиши таъминлаши, уларга етказилган зарарнинг ўрни қоплашиши учун шарт-шароитлар яратишига оид қонунлар қабул қилинди.

Бироқ бугунги кунда ушбу соҳада ишни кўриш билан боғлиқ чиқимларни тўлашга доир айрим муаммо ва камчиликлар мавжуд бўлиб, бу, ўз навбатида, амалиётда турли тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Ишни кўриш билан боғлиқ чиқимларнинг аҳамиятини қуйидагиларда кўриш мумкин: — ишларни кўриб чиқиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради;

— процесс иштирокчиларининг моддий манфаатларини самарали муҳофазалайди, бу, ўз навбатида, уларнинг процессларда тўлиқ ва ўз вақтида иштирокини таъминлайди;

— турли соҳага оид билим ва кўникмаларга эга мутахассислар ҳамда зарур маълумотга эга иштирокчиларни кўпроқ жалб этиш орқали иш сифатини оширади;

— ишларни юретишда сарфланган ҳаражатлар миқдорини аниқлаш ва уларни ундириб олиш имконини беради.

Бошқача айтганда, мазкур институт том маънода процесснинг молиявий воситаси бўлиб хизмат қилади.

Шунга қарамай, бугунги кунда процессуал чиқимлар институти амалда тўлиқ ишламаяпти.

1992 йил 3 июлда қабул қилинган “Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларнинг қилган ҳаражатларини тўлаш тартиби ва миқдорларни тўғрисида”ги қонун бугунги кун талабларига жавоб бермагани учун 2022 йил 4 ноябрдан бекор қилинди.

Мазкур қонунда тўловни амалга ошириш манбалари, тўлаб бериш тартиби ва механизмлари белгилаб берилмаган ҳамда шартнома асосида эксперт ва мутахассисларни жалб қилиш имконияти яратилгани ҳисобга олинмаган, қопловчаси, тўлов жудаям кам миқдорни ташкил этган.

Шунингдек, қонунга асосан, доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчилар, гувоҳлар ва ҳолисларга уларни одатдаги машғулотида чалғитилган учун тўловлар бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб берилиши назарда тутилган бўлса-да, бунинг амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари яратилмаган.

Процессуал мажбуриятларини хизмат топтириши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бажарётган эксперт, мутахассис ва таржимонга бажарган ишлари учун тўлов миқдори камлиги одил судловни амалга оширишда малакали мутахассисларни жалб қилиш имкониятини чеклаган.

Натижада ушбу ҳолатлар суд ва тергов органларига ишда кўмаклашувчи шахсларни жалб қилишда турли қийинчиликлар туғдиришига, шунингдек, ишда иштирок этган шахсларнинг транспорт воситалари ва турар жой билан боғлиқ ҳаражатлари учун чиқимдор бўлишига олиб келган.

Юқоридаги каби муаммоларни ижобий ҳал этиш мақсадида ҳукумат қарори билан жабрланувчилар, гувоҳлар,

экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларга тўловни лозим бўлган маблағлари ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Қарорда уларга тўланадиган тўловлар ва қоплаб берилмаган ҳаражатлар турлари назарда тутилди.

Хусусан, доимий яшаш жойи узоқда бўлганлар учун келиб-кейтиш, меҳмонхона, кундалик ҳаражатлари, эксперт, таржимон, мутахассисга хизмат топтириши билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажарганлик учун тўловлар ҳамда доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчилар, гувоҳлар ва ҳолислар одатдаги машғулотида чалғитилганлик учун тўловлар шулар жумласидадир.

Қарор асосида жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ҳолисларга тўланадиган тўловлар ва ҳаражатларни қоплаш миқдорларини ҳамда уларнинг ҳаражатларини қоплаш ва тўловларни амалга ошириш тартиби белгиланди.

Тўловлар суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг қарори (ажрим)га асосан 10 кунлик муддатда тўлаб берилади. Бу, ўз навбатида, суд ва тергов жараёнига ишда кўмаклашувчи шахсларни жалб қилишда қўлайлик яратиш билан бирга, уларнинг ҳаражатлари тўлиқ қоплашишига ҳам имкон яратди.

Мазкур тартиб келгусида фуқароларимизнинг Бош қонунимизда белгиланган ҳуқуқлари тўлиқ таъминлашига, процесс иштирокчиларининг моддий манфаатлари самарали муҳофазаланишига, зарур ҳолатларда жабрланувчилар, гувоҳлар, ҳолислар ҳамда мустақил экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ишда иштирок этиши орқали одил судлов сифати оширилишига ҳамда судда тортишувчанлик тамойили таъминланишига хизмат қилади.

Миркомил БОЗОРОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

БИЗ ВА ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТАШАББУСЛАР

ТУРКИЙ ДУНЁНИНГ БОЙ МАДАНИЙ, ТАРИХИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ҚАРАТИЛГАН СТРАТЕГИК ҚАРАШЛАРНИ ЯҚҚОЛ АКС ЭТТИРАДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2-3 ноябрь кунлари Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.



Ильяс ВЕЛИЗАДЕ, “Жанубий Кавказ” сийәсатунослар клуби раҳбари

Иқтисодиёт ва транспорт, балки гуманитар масалаларга ҳам қизиқишини оширган қатор янги тақлифлар билан чиқди. Унинг Ўзбекистонда Туркий дунё креатив ёшлари марказини очиб бора-сидаги ташаббусининг аҳамиятини таъкидлаш кифоя.

Бундан ташқари, Темир йўл идоралари кенгаши таъсис этиш ва ушбу тузилманинг дирекциясини Ўзбекистонда жойлаштириш тақлифини илгари сурди. Ушбу тақлиф нафақат ТДТга аъзо давлатларнинг, балки минтақадан ташқари мамлакатларнинг манфаатларини таъминловчи глобал транспорт ва логистика марказига айлантириш режаларига жуда мос келади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ТДТ олий ордени билан тақдирлангани



Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ва амалга оширилаётган ташаббусларнинг аҳамияти ҳамда долзарблиги, шунингдек, Ўзбекистон етакчисининг бутун турк дунёси халқлари ҳамжихатлигини мустақамлашдаги шахсий ролининг ёрқин тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбарининг Остона шаҳрида бўлиб ўтган ТДТ саммитидаги нутқида илгари сурилган муҳим ташаббуслар, ўз навбатида, халқро ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакиллари томонидан ҳам юксак баҳо-ланмоқда.

Эммануэль ДЮПОИ, Франциянинг Европада истиқболлар ва хавфсизлик институти (IPSE) президенти: — Францияда минтақадagi интеграция жараёнларини диққат билан кузатиб боришмоқда. ТДТ саммити якунлари Ўзбекистон ва ТДТга аъзо мамлакатлар ўрта-

сидаги самарали ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустақамлаш учун мустақам асос бўлиб хизмат қилади. Ташкилотга аъзо давлатларнинг устувор йўналишларга мувофиқ олий даражада мулоқотни давом эттириш мажбурияти барча туркий халқлар фаровонлиги ва хавфсизлигининг кафолатидир.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон ушбу халқро тузилманинг чинакам муносиб аъзоси бўлиб, унда етакчи сифатида муҳим роль ўйнади. Ташкилот доирасида, аввало, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация, экологик, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликни

Жон Ли, ТиЭмСи Академияси бош директори (Сингапур):

— Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ривожини ва мисли кўрилмаган саъй-ҳаракатларни диққат билан кузатиб бораман ҳамда ТиЭмСи Академияси номидан ҳайрат ва эътирофимни мамнуният билан билдирмоқчиман.

Ўзбекистон етакчисининг туркий давлатлар ўртасидаги алоқаларни мустақамлашга интилиши яққол намоён бўлмоқда. Унинг ТДТ саммити ишидаги фаол иштироки нафақат Ўзбекистоннинг миллий саъй-ҳаракатларини намойиш этади, балки аъзо давлатлар ўртасида умумий ўсиш ва синергияга йўл очади. ТДТ ҳамжихатлик қудрати, муштарак тарих ва муштарак қарашлардан далолат беради. Қайд этиш кераки, Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши эътиборли янада кучайтирди.

Раислик давридаги мисли кўрилмаган муваффақият ва ютуқлари туркий дунёда ҳамкорликни ривожлантириш ва тараққиётга содиқликдан далолат беради. Алишер Навоий номидаги мукофотнинг таъсис этилиши, Ўзбекистоннинг Туркий маданият халқро ташкилотга аъзо бўлиши эътиборли юлдузи бўлди.

ТДТнинг сўнгги саммитларида Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган қатор ташаббуслар туркий дунёнинг бой маданий, тарихий ва иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишга қаратилган стратегик қарашларни яққол акс эттиради.

ТиЭмСи Академиясида Президент Шавкат Мирзиёевнинг раҳбарлиги ва Ўзбекистоннинг ТДТдаги фаол ролидан илҳомланиши давом этмоқда. Ишонимизки, бугун қўйилган умумий қадриятлар ва ўзаро ҳурматга асосланган мустақам пойдевор барча иштирокчи мамлакатларни фаровонлик сари эптади.



Яқуб ШАЙХ, Покистон Сенати аъзоси:

— Покистонлик сийәсатчилар, ишбилармонлар ва экспертлар Ўзбекистон Президентининг ТДТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқини диққат билан кузатиб борди.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан илгари сурилган ташаббусларда савдо-иқтисодий муносабатларни мустақамлаш, логистика, транспорт, минтақавий ҳамкорлик ва ўзаро инвестициялар соҳаларидаги боғлиқликни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида шу кунларда Туркий инвестиция жамғармаси иш бошлаганини таъкидлади. Бу ТДТда иштирок этувчи мамлакатлар ўртасида саноат кооперациясини мустақамлаш ва йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари билан кўп йиллардан буён юк ташини ривожлантириб келаётган тадбиркор сифатида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан тақлиф этилган савдо тўсиқларини бартараф этиш, экспорт-импорт ҳажмини кўпайтириш бўйича янги механизмларни кенг жорий қилиш, электрон савдо платформаларини ривожлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни эши-тиб, жуда хурсанд бўлдим.

Ўзбекистон Президентининг глобал таъминот занжирлари ва транспорт йўлақларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш, ТДТ давлатлари орқали Хитой, Жанубий Осиё ва Европа бозорларига ўтувчи ягона транзит тармоғини шакллантириш бўйича ташаббуслари ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.

Покистон ва Ўзбекистон бу борадаги ишларни бошлаб юборган. Трансафгон темир йўлини барпо этиш учун Лойиҳа офиси ташкил этилди. Бундан ташқари, транспорт хизматларини рақамлаштириш ташаббуси XXI асрда иқтисодиётларни янада яқинлаштириш, таъриба, технологиялар ва билим алмашиш учун асос бўлади. 2022 йилда Покистон глобал климат ўзгаришининг ҳалокатли оқибатларига гувоҳ бўлди ва сув тошқинларидан қаттиқ жабрланди. Шу боис, ҳажон ҳамжамиятининг диққатини бу масалага доимий қаратиб келаётган Ўзбекистон Президентининг миннатдоримиз.

Фариза ШАМ, Малайзия Ислам цивилизацияси институти директори:



— Ўзбекистон ТДТга аъзо бўлгандан буён ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш учун жиддий саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Бошқа аъзо давлатларнинг фаолиги, шунингдек, 15 та давлатнинг ташкилотга кузатувчи сифатида қўшилишига қизиқиши сезиларли даражада ошди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташкилот аъзолари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлашга кўмаклашиш мақсадида 50 дан ортиқ ташаббус ва тақлифларни илгари сурди. Амалга оширилган ташаббуслар орасида Ёш тадбиркорлар форумини ташкил этиш, транспорт ва боғжона тартиб-қоидаларини рақамлаштириш бўйича лойиҳаларни, Туркий инвестиция жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги битимни имзолаш ва бошқа кўплаб масалалар алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ўзбекистон раҳбарининг Фаластин — Исроил иқтироси бўйича қатъий муносабати, Яқин Шарқда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва муаммони “икки халқ учун икки давлат” тамойили асосида ҳал қилишга чақирувини унинг доғишмандлигини яна бир бор намоён этди.

Ўзбекистон раҳбарининг саммит чоғида эълон қилинган янги ташаббуслари ҳам мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлаш жуда муҳим ва долзарбдир. Шу нукта назардан, Туркий тараққиёт банкни ташкил этиш ва ушбу молия муассасасини Тошкент шаҳрида жойлаштириш, Турк дунёси низомини ишлаб чиқиш, транспорт йўлақлари ва ягона транзит тармоғини шакллантириш, глобал логистика таъминот занжирларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш бўйича тақлифларни алоҳида таъкидламоқчиман.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ТЕРАН ИЛДИЗЛАРДАН КУЧ ОЛГАН ДЎСТЛИК

Илм-маърифатга таяниб мустаҳкамланади

Минтақасида нуфузли, етакчи ва муҳим аҳамиятга эга давлатлар саналган Ўзбекистон ва Франция узоқ ўтмишдан буён дунё давлатчилиги, илм-фани, маданияти шаклланиши ва ривожланишига салмоқли хисса қўшиб келади. Икки мамлакат тараққиётида ўхшаш ва муштарак жиҳатлар жуда кўплиги, умумий хусусиятларга эгаллиги боис ҳам бир неча минг километр масофа ажратиб турган давлатларнинг савдо-иқтисодий, маданий алоқалар тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади.



Абдурахим НОСИРОВ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети проректори, филология фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги алоқалар янги босқичга кўтарилди. Европада жойлашган ҳамда жаҳоннинг илгор давлати ҳисобланган Франция билан халқаро алоқалар ўрнатиш тараққиётнинг демократик йўлини танлаган мамлакатимиз учун муҳим аҳамият касб этади. Икки давлат муносабатлари бой тарихга эга. Хусусан, ушбу муносабатларнинг ибтидоси ҳисобланмиш Амир Темури ва Франция қироллари ўртасидаги ёзишмаларда савдо-сотик ва маданий алоқаларни ривожлантириш, шу орқали халқлар ўртасида дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлаш мумкинлигига эътибор қаратилади.

Амир Темури "Темури тузуқлари"да турли халқларнинг аҳолидан, "...ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мижозидан" воқиф бўлиб туриш лозимлигини таъкидлайди. Соҳибқироннинг ўзи эса турли халқларнинг туриш-турмушидан хабардор бўлиш мақсадида савдо қарвонлари ташкил этади ва чет мамлакатларга юборади.

Амир Темурининг маданий тараққиёт йўлидаги буюк хизматларидан яна бири шуки, мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг тараққиётга ижобий таъсир кўрсатишини англаган ҳолда бошқа динга эътиқод қилувчи давлатлар халқлари билан ҳам кенг ҳамкорликка

интилади. Ҳар бир ишда отаси билан кенгашиб иш тутган шахзода Мироншоҳ насроний шоҳ ва шахзодаларга йўллаган мактубида буни алоҳида таъкидлайди: "...агар эътиқодимизда фарқ бўлса ҳам, барибир, барчанинг, айниқса, савдогарларнинг манфаатлари йўлида дўстликни авайлашимиз даркор". Бу фикрлар мусулмон мамлакатлар ҳукмдорлари томонидан миллий-маданий бағрикенглик сари ташланган дастлабки қадамлар эди.

XV асрда Амир Темури Европа мамлакатларининг мустақил давлат сифатида сақланиб қолиши ва тараққиёт этишига ёрдам берган бўлса, XX асрда француз шарқшунослари собиқ иттифоқ зулмидан озор чекаётган, ўзлигини ва тарихини йўқотиб бораётган ўзбек халқини маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Улуғ боболаримиз, хусусан, Амир Темурининг жаҳон тарихида тутган ўрнини дунё ҳамжамиятига эслатиб турди. Демак, Ўзбекистон ва Франция халқларининг ўзаро дўстона муносабатлари узоқ ўтмишга эга.

Буюк ипак йўлини ривожлантириш орқали турли халқлар билан савдо-сотик ва маданий алоқаларни ривожлантиришда Амир Темури тарихига таъкидотчи Люсьен Керен эътирофчи, "Темурининг мақсади Ипак йўли аталмиш савдо йўлини бутун Оврупога чўзишдан иборат бўлган. Ўз зафарлари билан Темури шу йўлларнинг ташкилотчиси ва соҳиб бўлган".

Соҳибқирон Амир Темури Франция ҳукмдори Карл VI билан ёзишмалар олиб борган, ўзаро элчи алмашган. Айни пайтда давом этаётган алоқалар Амир Темури замонида ҳам кун тартибда турган. Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI га йўллаган мактубида бундай сўзлар бор: "...сиз савдогарларингизни биз томонларга юборсангиз,

токи биз уларни қизгин, барча иззатларини ўрнига қўйиб қўтиб олайлик. Бизнинг савдогарларимиз сиз томон-



га борсалар ва уларга ҳам шундай иззат-икромлар кўрсатсангиз. Майли, улар ҳеч қандай хавф-хатарсиз, тўсиқларсиз йўл юрсинлар. Дунёни савдогарлар фаровон қиладилар, деган нақлни инкор қилиш бефойда".

Амир Темури мактубларини ўқир экансиз, уларнинг нақадар амалийлиги ва ҳаёт билан ҳамнафаслигини ҳис этасиз. Бу мактублардан ҳамфирқлик ва саъй-ҳаракатларнинг натижалари яққол кўзга ташланади.

Франциялик шарқшунослар диёримиздан етишиб чиққан буюк шахслар тўғрисида қўллаб-қувватлаб, 27-28 ноябрь кунлари Парижда Ўзбекистон — Франция иккинчи таълим форуми ўтказилишини маъқуллади. Француз тили ўқитувчиларини тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди. Қуни

яни 1987 йил 22 мартда Парижда те-мурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганиш учун ўзбек-француз маданий ҳамкорлиги уюшмаси тузилган. Икки давлат алоқаларини ривожлантириш имконияти тўғрисида сўз борар экан, мазкур алоқаларни ривожлантириш глобал аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишга хизмат қилишини таъкидлаш лозим.

Сўнгги беш йил Ўзбекистон — Франция муносабатлари тарихидаги энг ёрқин даврдан бўлди. Икки томонлама алоқаларнинг барча

кеча Франция Президентининг юртимизга ташрифи икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатларга янги суръат ва мазмун бахш этди.

Ўзбекистонда француз тилини янги аҳамиятга кўтариш мақсадида, француз тили ўқитувчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари муайян тизимга солинмаган ҳамда бу борада илгор хорижий мамлакатлар тажрибасидан етарлича фойдаланилмаётгани асосий муаммо бўлиб қолмоқда. Бу муаммони ечиш мақсадида мамлакатимиз бўйича француз тилини янги педагогик технологиялар асосида ўқитишга катта эътибор берилмоқда.

Юртимиздаги 700 дан ортқ умумтаълим мактабида қарийб 152 минг ўқувчи француз тилини ўрганмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети кундузги ва кечки бўлимларида мингга яқин талаба француз тилини 1- ва 2-чет тил сифатида катта қизиқиш билан ўзлаштирмоқда. Бунга французчани ўрганишга қизиқиш ва иштиёқ йилдан-йилга ошиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Шу боис, француз тилини ҳар томонлама чуқур ўрганиш мақсадида хорижий олий таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорлик қўйилмоқда. Бунга мисол қилиб Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси ҳамда Версаль академияси Сержи-Понтуаз университети ўртасида алоқалар йўлга қўйилганини айтиш мумкин.

Сержи-Понтуаз университети Париж округига кирувчи нуфузли олий таълим муассасаларидан бўлиб, қўллаб-қувватлаш таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланади. Таълим ва ўқитувчилар тайёрлаш олий мактаби Сержи-Понтуаз университетининг таркибий қисми, бошланғич ва ўрта таълим муассасалари учун педагоглар тайёрлайди. Францияда Версаль академиясининг Таълим ва ўқитувчилик олий мактаби (ESPE) ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўртасида ERASMUS+ дастури асосида 2015-2017 ва 2020-2023 йилларга мўлжалланган лойиҳалар амалга оширилди.

Лойиҳа ғуруҳи вакиллари Версаль академияси педагог ходимлари

ҳамкорлигида ERASMUS+ дастури доирасида француз тилидаги дарсликларнинг янги авлодини яратиш, Ўзбекистонда француз тилидаги мавжуд дарсликларни замон талабларига мос равишда такомиллаштириш, CEFR талаблари бўйича замонавий педагогик ресурслар яратиш, шунингдек, чет тили ўқитишнинг янги методикаларидан фойдаланиш бўйича малака оширди.

Мазкур ҳамкорлик туфайли университетнинг 20 нафар профессор-ўқитувчиси Францияда киска муддат малака ошириб қайтган бўлса, 15 нафар бакалавр ва магистр Франция университетиде бир семестр таҳсил олиб қайтиш имкониятига эга бўлди. Академик мобиллик доирасида ўқиб қайтган 3 магистрантимиз ҳозир талабаларга сабоқ бермоқда.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ERASMUS+ дастури асосида француз тили ўқитувчилари малакасини оширишга мўлжалланган махсус дастур яратиш, таълим жараёни лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган электрон ва мультимедиа ресурслар билан таъминлаш каби лозим бўлган таълим ресурслари, рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш масалалари лойиҳа ғуруҳи томонидан амалий ўрганиб келинмоқда.

Икки мамлакат университетлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Версаль академиясининг Сержи-Понтуаз университети ўртасида 2024-2026 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури имзоланди. ОТМнинг 2020 йилдан буён Сержи-Понтуаз университети билан ҳамкорликдаги лойиҳалари Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳам жалб этилган.

Келажакда Ўзбекистонда француз тилини ўқитишнинг янги методикасини ривожлантириш, чет тили ўқитувчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш лойиҳасининг йўлга қўйилиши Ўзбекистон мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди.

НУҚТАИ НАЗАР

ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА



Одинахон ОТАХОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Франция муносабатларида фаол, очик ва ишончли мулоқот кузатилади. Франция Ўзбекистоннинг иқтисодий, сармоявий ва молия-техникавий соҳалардаги муҳим ҳамкоридир. Мамлакатларимиз ўртасида турли йўналишларда алоқалар фаоллашмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Франция капитални иштирокидаги 47 корхона, жумладан, 100 фоиз Франция сармояси асосидаги 17 корхона фаолият кўрсатмоқда. Компанияларнинг мамлакатимиздаги фаолияти геология-қидирув, энергетика, қурилиш

Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари тарихи узоқ йилларга бориб тақалади. Бугунги кунда ҳам ўзаро манфаатдорлик ва ҳурматга асосланган дўстона муносабатлар жадал ривожланмоқда. Кейинги олти етти йил Ўзбекистон — Франция муносабатлари тарихидаги энг ёрқин даврдан бўлди.

материаллари ишлаб чиқариш, автомобиль соҳаларида туризм соҳаларидаги ҳамкорликнинг муваффақиятли намуналари ҳисобланади.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия Ўзбекистон — Франция муносабатларининг бу борадаги барча жиҳатларини қўриб чиқиш учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилмоқда. Унинг фаолияти икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада диверсификация қилиш ва чуқурлаштиришнинг янги йўналишларини аниқлашга ёрдам беради.

Жорий йил апрель ойида Тошкентда Франция Тadbirkorлар ҳаракати — "MEDEF International" билан ўзаро ҳамкорликда ташкил қилинган ва 35 дан ортқ Франция компаниялари вакиллари иштирок этган бизнес-форум дўст мамлакат ишбилармонларининг ҳамкорликни кенгайтиришга қизиқиши ортиб бораётганини яққол тасдиқлайди.

Икки томонлама ҳамкорлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, боғдорчилик ҳамда уруғчилик, ўсимликлар карантини, махсулотлар хавфсизлиги ва сақланишини таъминлаш соҳаларида қўшма илмий изланишларни амалга ошириш каби йўналишларда ҳам муваффақиятли ривожланмоқда.

Ўтган даврда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг фаоллашувида парламентларо ҳамкорлик ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон ва Франция парламентлари вакиллари ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта эътибор қараяпти. Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон — Франция" дўстлик ғуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Икки давлат парламентлари аъзолари ўзаро таширлар алмашуви доирасида парламентларо мулоқотни чуқурлаштириш истиқболларини мунтазам муҳокама қилиб келади.

Парламентларо мулоқот мамлакатлар ўртасидаги ишончли мустаҳкамлашга, савдо-иқтисодий, сайёҳлик ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади. Истиқболли келишувлар учун янада кенг имкониятлар эшигини очади.

Ўзбекистон — Франция муносабатларидаги муштаракликни мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончнинг тобора ортиб бораётгани ҳам кўриш мумкин. Давлатларимизнинг кўпгина муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ҳал қилиш борадидаги позицияси ҳам бир-бирига яқин.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифи билан Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг расмий ташриф билан мамлакатимизга келгани икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик соҳасида туб бурилиш ясади, десак муболага бўлмайди. Самарқанд шаҳридаги учрашувлар чоғида маданий-гуманитар ҳамкорлик ривожланиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди. Ўзбекистонда

интиломда. Узоқни қўлаб амалга оширилаётган оқилона сиёсат натижа-сида охириги йилларда ўзбек-француз муносабатларида ҳамкорликнинг қўллаб-қувватлаш ижобий тенденциялар кўзга ташланмоқда.

Франция таърибаси ва салоҳиятини ўрганиш мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий йўналишда устувор лойиҳаларни кенгайтириш, таълим тизими сифатини юксалтириш, иқтисод

француз тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётгани, шу муносабат билан томонлар Франция альянсининг Самарқанддаги филиали очилишини олқишлади.

Умуман, бугунги кунда томонлар ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, муносабатларни кенг қамровли шерикликнинг янги босқичига олиб чиқишга қатъий

диётни сановат ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда уни таркибий жиҳатдан диверсификациялашга яқиндан кўмак беради.

Халқаро майдонда тобора юксак сиёсий маънага эга бўлиб бораётган Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш Европа Иттифоқи билан муносабатларни шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнайди. Хусусан,

француз тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётгани, шу муносабат билан томонлар Франция альянсининг Самарқанддаги филиали очилишини олқишлади.

Умуман, бугунги кунда томонлар ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, муносабатларни кенг қамровли шерикликнинг янги босқичига олиб чиқишга қатъий

товар айирбошлаш ва қўшма корхоналар сони бир неча баробар кўпайди. Жорий ва истиқболли лойиҳалар портфели 10 миллиард евродан ошди. Франция тараққиёт агентлиги билан 1 миллиард евролик Стратегик ҳамкорлик дастури амалга оширилмоқда.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида қабул қилинган Қўшма баёнот икки давлат муносабатларини стратегик шериклик даражасига кўтаришга хизмат қилади. Президентлар ҳузурда молия, таълим, маданият ва икки томонлама ҳамкорликнинг бошқа йўналишлари бўйича имзоланган 8 та ҳужжат ҳам ушбу ташрифнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлди, десак айни ҳақиқат.

Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг юртимизга ташрифи ҳамда унинг доирасида эришилган натижалар, икки давлат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий муносабатлар янги босқичда янада юқори даражага кўтарилишига, фаол маданий-гуманитар ҳамкорлик ривожланишига катта хисса қўшади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу ташриф кўп асрлик Ўзбекистон — Франция муносабатларида муҳим воқеа бўлиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантириш, уни юқори босқичга кўтаришда янги саҳифа очади. Энг муҳими, ўзаро алоқаларимиз янада кенгайтиришга ва икки давлат халқларини бир-бирига тобора яқинлаштиришга хизмат қилиш билан бирга, келгусида ҳамкорлик учун кенг имкониятлар эшигини очади.

ЖАРАЁН

БАНКЛАРНИ САНАЦИЯ ҚИЛИШ

Илгари сурилаётган қонун лойиҳалари қандай самара беради?

Иқтисодиёт бир жойда тўхтаб туриши мумкин эмас. Бинобарин, унинг ривожига мамлакат тараққиёти ва аҳоли турмушида ўз аксини топади. Ривожланиш эса ҳуқуқий асосларга таянади. Кейинги йилларда иқтисодиётнинг муҳим бўғини бўлган банк тизимини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришлар айни шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятга эга.

Жумладан, шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан иккита янги ҳужжат — “Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида”-ги ҳамда “Банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”-ги қонун лойиҳалари илгари сурилмоқда.

Ўзбекистон молия-банк соҳасида янгилик сифатида кириб келаётган биринчи қонун лойиҳаси regulation.gov.uz сайтида жамоатчилик муҳокамасидан ўтган бўлса, иккинчиси муҳокамасига қўйилиш арафасида.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, қолаверса, дунё банк-молия тизимидаги ўзгаришлар мазкур йўналишдаги қонунчиликни ҳам уларга мослаштиришни талаб этади, бу бозор қоидадир. — дейди Марказий банкнинг Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш методологияси департаменти директори Санжар Носиров. — “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”-ги ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”-ги қонунларнинг янги таҳрирда қабул қилинишининг боиси шунда. Таклиф этилаётган қонун лойиҳалари эса ана шу қонунларнинг мантқиқий давомидир. Яъни бу орқали мамлакатимиз банк тизими барқарорлиги жаҳон тажрибаси асосида янада мустаҳкамланади.

Айтайлик, ҳозир бирор-бир банк тўлов қобилиятини йўқотса ёки унинг

Фаолияти тугатилишидан олдин уни соғломлаштириш имконияти йўналишидаги қонунчиликни ўрганиб чиқилади. Шундан сўнггина якуний хулосага келинади.

